

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахмаджанов Отабек Муроджон ўғли

Тошкент вилояти прокуратураси

2 даражали юрист, бўлим катта прокурори ahmadjanovotabek888@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13852761>

Аннотация: Мазкур мақолада экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида прокурор назорат қилишда прокуратура органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига доир масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур мақолада бу масалага доир олимларнинг фикрлари ҳам ўрганилган.

Калит сўзлари: Атроф-муҳит, экология, экологик хавфсизлик, сув, таъминлаш, табиат, прокурор, назорат, қонунчилик, нормалар.

ОСОБЕННОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОКУРАТУРЫ ПРИ ПРОКУРОРСКОМ КОНТРОЛЕ В СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

Ахмаджанов — сын Отабека Муроджона.

Прокуратура Ташкентской области

Старший прокурор, 2-го уровня юридического отдела

ahmadjanovotabek888@gmail.com

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы, связанные со спецификой деятельности прокуратуры по прокурорскому контролю в сфере экологии и охраны окружающей среды. Также в данной статье рассматриваются мнения ученых по этому вопросу.

Ключевые слова: Окружающая среда, экология, экологическая безопасность, вода, водоснабжение, природа, прокуратура, контроль, законодательство, нормы.

PECULIARITIES OF ACTIVITIES OF THE PROSECUTOR'S OFFICE IN THE PROSECUTOR'S CONTROL IN THE FIELD OF ECOLOGY AND ENVIRONMENTAL PROTECTION

Akhmadjanov is the son of Otabek Murodjon

Prosecutor's office of Tashkent region

2nd level senior prosecutor of the legal department

ahmadjanovotabek888@gmail.com

Abstract: This article analyzes the issues related to the specific characteristics of the activities of the prosecutor's office in the prosecutor's control in the field of ecology and environmental protection. Also, this article examines the opinions of scientists on this issue.

Key words: Environment, ecology, environmental safety, water, supply, nature, prosecutor, control, legislation, norms.

Бизга маълумки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари табиатни бошқариш жараёнида вужудга келадиган турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Бу соҳадаги Қонунчилик халқаро-ҳуқуқий актларни ҳам, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини ҳам, шунингдек, уларнинг идоравий мансублиги,

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча органлар учун мажбурий бўлган кўплаб субординация актларини ҳам, фуқароларни ҳам ўз ичига олади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқароларнинг табиий муҳитни ҳурмат қилиш ва ер, унинг ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши лозим бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига асосланади.

Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари:

- 1) мавжуд бўлган барча қонунларни фуқаролар ва ташкилотлар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъи назар аниқ ва тўғри қўлланилишини таъминлаш;
- 2) прокурор назорати-прокуратура фаолиятининг бир йўналиши;
- 3) прокурор назорати олий қонун чиқарувчи ва ижро органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига, хўжалик судларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг тўлиқлигича унинг идораларининг роли ва аҳамияти фавқулодда кенг ва буюқдир; прокуратуранинг назорат фаолияти давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ўз ичига олади. Унинг самарали ва мақсадга мувофиқ равишда олиб борадиган фаолиятига кўпинча фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа субъектларининг тинчлиги ва хавфсизлиги, жамоат тартиби, айни вақтда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар бевосита боғлиқ бўлади.

Қонун бузилишининг даражаси (харҳужжатели)га қараб, прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қилади. Протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир. Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага протест келтиради. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам худди шу тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирган протест бу протест топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичида қараб чиқиши шарт. Қонунийлик бузилганлигига тезда барҳам бериш талаб қилинган фавқулодда ҳолатларда прокурор протестини қараб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақлидир. Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дарҳол ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял идора томонидан қараб чиқилган тақдирда мажлис бўладиган кун прокурорга маълум қилинади, у протестни қараб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи идора

томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида қараб чиқилмаган тақдирда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги ахборот қилинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилиши мумкин.

Прокурорнинг судга ариза бериши у судда қўриб чиқилгунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди.

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиш мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида асосли қарор чиқаради. Қонунда кўзда тутилган ўзга ҳолларда ҳам прокурор қарор чиқаради.

Интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарори идора ёки аниқ мансабдор шахс томонидан бу қарор тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кунлик муддат ичида қараб чиқиши шарт. Қараб чиқиши натижалари тўғрисида прокурорга зудлик билан ёзма равишда маълум қилинади.

Бундан ташқари, прокурор қонуннинг бузилишига ана шу бузилишларнинг сабабларига ва унинг бузилишига кўмаклашган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат идорасига, жамоат ташкилотига ёки мансабдор шахсларга киритади, бу тақдимнома дарҳол кўриб чиқиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга маълум қилиниши шарт.

Тақдимнома коллегиял идора томонидан қараб чиқиладиганда прокурорга мажлис ўтказиладиган кун маълум қилинади, прокурор бу мажлисда қатнашишга ҳақлидир.

Қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги амрнома прокурор томонидан ана шу қонунбузарликка йўл қўйган идора ёки мансабдор шахсга, ёхуд юқори идорага ёки ана шу қонунбузарликни бартараф этишга қодир мансабдор шахсга юборилади.

Қонун бузилганлиги яққол кўзга ташланган ҳолларда ва бу фуқаролар, давлат, корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлганда амрнома киритилади. Амрнома зудлик билан бажарилиб, бундан прокурор воқиф этилиши лозим.

Амрномадаги талабларга норози бўлган тақдирда идора ёки мансабдор шахс бу амрнома устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиши мумкин. Прокурор шикоятни уч кунлик муддат ичида қараб чиқиши шарт. Шикоят амрнома ижросини тўхтатиб қўймайди.

Шунингдек, фуқароларнинг қонун томонидан қўриқладиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар бўлганида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадларида мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурор томонидан қонуннинг бузилишига йўл қўйилмаслик

хусусида ёзма равишда огоҳлантириладилар ҳамда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунтирилади.

Огоҳнома тўғрисида прокурор юқори турувчи ташкилотга, шунингдек огоҳнома чиқарилган шахснинг ишлаш, ўқиш ёки яшаш жойи маъмуриятига ёхуд жамоат бирлашмаларига маълум қилишга ҳақлидир.

Прокурор назорати ўз моҳиятига кўра давлат ҳокимиятининг ҳар қандай қонунбузарликка қонунда белгиланган у ёки бу шаклда таъсир кўрсатиши лозим бўлган давлат ҳокимияти институтидир. Шунингдек, прокурор фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган ҳуқуқий муносабатлар устидан назорат олиб боради.

Шундай қилиб, прокурор назорати давлатнинг фақат қонун асосида ташкил этиладиган ва вазифаси қонунбузарликларга қарши курашишдан иборат бўлган фаолияти эканлигига қарамай, унинг вазифалари жумласига Конституцияда мустаҳкамланган, бироқ тармоқ қонун ҳужжатларида муайянлаштирилмаган инсон ҳуқуқларини бузиш, кафолатлари қонунда аниқ белгилаб қўйилмаган ҳуқуқларни бузиш ҳолатларига қарши кураш киради, деб қайд этишимиз мумкин.

Шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлаш доктринаси профессори Р.Х.Якупов томонидан фаол илгари сурилган¹. Прокурор назорати мазкур тури мавжудлигининг ўринлилиги масаласига келсак, у шахс ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг устунлиги сифатида эмас, балки уларни жамият, давлат ва шахснинг ҳуқуқ билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари қаторига киритиш усули сифатида қаралиши лозим.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида белгиланган назорат предмети билан фуқаронинг прокурор назорати бошқа тармоқлари предметида кирмайдиган ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишгина қамраб олинади.

А.Х.Казарина фикрига кўра, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга бағишланган махсус бобнинг мавжудлиги жамиятда амалда юз берган ижобий ўзгаришларни, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси кучайганлигини акс эттиради ва айтиш мумкин, “назоратнинг янги мустақил тармоғи пайдо бўлишига олиб келмайди. Бу прокурор назоратининг кичик тармоғидир”².

Прокурор назорати мазкур тармоғининг ўзига хос хусусиятлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар соҳаси билан

¹ Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. 3-е изд., испр. и доп. / Науч ред. В.Н. Галузо. — М.: ТЕИС, 2001. — 30, 245-246-б.; Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. 4-е изд., исправл.и доп. / Науч.ред. В.Н. Галузо. — М.: ТЕИС, 2003. — 30, 230-231-б.

² Прокурорский надзор в России. Учебник / Под ред, А.А. Чувилева. — М.: Юристь, 2000. — 117, 142—158-б.; Прокурорский надзор в России. Учебник / Под ред. А.А. Чувилева. — М.: Юристь, 2001. - 117, 142-158-б.

белгиланади.

Қонунларнинг бажарилиши устидан назорат доим уларга турли субъектлар роя этишини текширишдан бошланади. Текширув прокурор фаолиятининг энг мураккаб ва оғир қисми, чунки ҳуқуқбузарлар кўпинча ўзлари содир этган ғайриҳуқуқий қилмишларнинг изларини яширадилар, ўзлари ҳам қочиб беркинадилар, тегишли маълумотларга эга бўлган шахсларга таҳдид қиладилар. Мазмун жиҳатидан қонунларнинг бажарилишини текшириш терговга ўхшаб кетади³.

Прокурор назорати амалиётида прокуратура органларининг назорат қилувчи органлар билан муносабатларининг барқарор шакллари ишлаб чиқилган. Прокуратура органлари ўз фаолиятида назорат қилувчи органларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш борасидаги имкониятларини ҳисобга олади ва уларга таянади, ҳуқуқбузарларни юридик жавобгарликка тортишда уларга ёрдам беради. Прокуратура органлари назорат қилувчи органлар билан иш юзасидан ҳамкорлик қилар экан, ўзининг бош вазифаси – назоратни ёддан чиқармаслиги ва айнан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни биринчи ўринга қўйиши керак.

Прокуратура органларининг асосий вазифаси бу жиноят ишларини кўрувчи ваколатли органлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга чек қўйишдир.

Нazorat функцияларини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш жараёнида иштирок этувчи прокурорлар қонун бузилишларига чек қўйишлари лозим. Маъмурий ваколатли органлар фаолиятининг қонунийлиги устидан прокурорлик назоратини қуйидаги учта босқичга бўлиш мумкин:

- 1) қонун бузилганлиги аломатларини аниқлаш ва тегишли қарор чиқариш;
- 2) қонун бузилганлиги тўғрисидаги материалларни текшириш;
- 3) аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш, шунингдек бунга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш.

Биринчи босқич анча мураккабдир. Жиддий ҳолатларга йўл қўймаслик учун деталлаштирилган услубий қўлланмалар зарурки, улар прокурорларга қисқа вақт ичида, лекин максимал даражада қонунбузарликларни аниқлаш бўйича ўз ваколатларини амалга оширишга ёрдам беришлари керак.

Қонунбузарликни ва унга имконият яратувчи шароитларни чуқур ва тўла аниқлаш учун прокурор конкрет масалалар доирасини аниқлаши лозим. Бунда фикримизча, маъмурий ваколатли органлар фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат амалга оширувчи прокурор қуйидагиларни билиши лозим:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунидан келиб чиқувчи талабларни, прокуратура органларининг вазифаларини;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг асосий йўналишлари, услублари ва усулларини (қонунбузарлик ва унга имкон яратувчи шароитларни фoш

³ Козлов А.Ф. Прокурорский надзор в России: Общая часть: Учеб. пособие. – Екатеринбург: Изд-во УрГЮА, 1999. – 140 б.

этишни);

- 3) фаолиятли прокурор назоратига тегишли бўлган маъмурий юрисдикцияли органларни;
- 4) маъмурий юрисдикция органлари ҳуқуқий актларининг хусусиятлари ва спецификаси қонунлар бузилишига йўл қўйвчи шароитларни;
- 5) қонунбузарлик ва уларга йўл қўйвчи шароитлар ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган манбаларни;
- 6) маъмурий юрисдикцияли органлар фаолиятида қонунларни ижро этиш устидан текширув олиб боришда жавоб бериши лозим бўлган асосий саволлар доирасини.

Иккинчи босқичда прокурор барча қонунбузарликлар тўғрисидаги материалларнинг тўла текширувини ташкил этиш учун маъмурий юрисдикцияли органлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг таҳлиliga ва бу органлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган қарорларга эга бўлиши лозим.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун суриштирув ва дастлабки тергов босқичида назоратни ташкил этишда барча прокурорларга ахборот-аналитик ва услубий ишни ташкиллаштиришни яхшилаш, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, оммавий ахборот воситалари берган маълумотлар ва бошқа ҳолатларни характерловчи маълумотларни текшириш натижаларидан унумли равишда фойдаланиш мажбуриятини юклайди.

Учинчи босқич амалий босқич бўлиб, унда прокурор аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш, яъни қонун томонидан унга берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда тегишли қарорларни чиқариш, дастлабки тергов ва суриштирув органларига бундай ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар беради.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фош этиш ва уларга барҳам беришда бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Бевосита прокурорларнинг ташаббуси билан аҳолига диний экстремизмнинг мақсади, реакцион моҳияти, унинг ислом динига мутлақо зид эканлигини тушунтиришга қаратилган учрашувлар ўтказилиб, газета ва журналлар, телевидение, радио орқали чиқишлар ташкил этиб келинмоқда. Бундай тадбирларнинг самараси ўлароқ, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар сони камаётганлиги кузатилмоқда.

Қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаган прокурор ҳар бир конкрет ҳолатда энг самарали бўлган чорани танлаши шарт. Бунда у қонунларнинг, фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини бузилишини бартараф қилувчи тўлиқ чораларни қўллаши шарт. Шунингдек, уларга яъни маъмурий ваколатли органлар фаолиятидан қонунларнинг бузилишига имкон яратувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича, шахсларни жазолаш (шу қонунбузарликларда айбланаётганлар) бўйича чоралар кўрилиши лозим.

References:

1. Б.Х.Пўлатов. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.Ўқув қўлланма.//адлия катта маслаҳатчиси К.С.Исмоилов умумий таҳрири остида. – Т. 2006. Ҳуқуқ ва бурч. 90 бет.
2. Бобров В.К. Прокурорский надзор. Учебник 3-е изд., М.: Юрайт, – 2016. – С.20.
3. Эмерих К. Основы метафизики. Киев: «Тандем», – 1998. гл. 3.2.3 «Сущность сущего».
4. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Умумий қисм. Учебник, – Т: «Ilm ziyo» 2012. с.8.
5. Винокуров А.Ю., Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор. Учебник 3-е издание. – М.: Юрайт, 2016. – С.15.
6. Т.Мирзаев. Экологияга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тавсифи // Ўқув қўлланма, Т: «Янги аср авлоди». – 2000. С.47.
7. Кириченко С.Г. Прокурорский надзор за соблюдением природоохранного законодательства. // Автореферат дисс. на соискание учен. степ, кандидата юрид. наук. Екатеринбург., – 2003.ет